



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАШКИЛИЙ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Ботирова Зухрахон, катта ўқитувчи,
Дўсматова Дилрабо, магистрант,
Фарғона давлат университети

Аннотация: фаолияти самараадорлигини оширишдаги аҳамияти таҳлил қилинган. Ўзбекистонда мактабгача таълим соҳасидаги қаратилаётган эътибор ва соҳадаги бошқарув фаолияти таҳлил қилинган. Бошқарув асоси, мазмуни, жараёни ва мактабгача таълим

Калит сўзлар: бошқарув, маъмурият, ташкилий фаолият, режалаштириш, самараадорликни ошириш, умумий йиғилиш, жамоат ташкилоти.

Аннотация: Анализируется направленность дошкольного образования в Узбекистане и управлеченческая деятельность в этой сфере. Анализируются основа, содержание, процесс и значение управления в повышении эффективности деятельности дошкольного образования.

Ключевые слова: управление, управление, организационная деятельность, планирование, эффективность, общее собрание, общественная организация.

Annotation: The focus of preschool education in Uzbekistan and management activities in this area are analyzed. The basis, content, process and significance of management in improving the efficiency of preschool education are analyzed.

Key words: management, management, organizational activity, planning, efficiency, general meeting, public organization.

Бугунги кунда жамиятимизда барча корхона ва ташкилотларнинг фаолияти шунингдек, хукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарор ва буйруқларнинг амалиётга жорий этилиши ҳолатига катта аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, таълим соҳасида ҳам ташкилотлар фаолиятини ўрганиш ҳамда бошқарув тизими фаолиятини самарали бошқариш учун керакли қарорлар қабул қилишга катта эътибор берилмоқда.


Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги даврида илм - фаннинг барча соҳалари қаторида мактабгача таълим соҳасида ҳам туб ўзгаришларга замин яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз... Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи





ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим. Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур” кабилар устувор вазифа этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда қатор йирик ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги - фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли Қарори қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 майдаги 319 қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Илк қадам” давлат ўқув дастурини ижросини таъминлаш, Мактабгача таълим ташкилотларида юритилаётган иш ҳужжатларини тартибга солиш мақсадида 2019 йил 30 август куни 155-сонли “Давлат Мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг иш ҳужжатларини тасдиқлаш” тўғрисидаги буйруғи, Қонунчилик палатаси томонидан 2019-йил 22-октябрда қабул қилинган “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди.

Мактабгача педагогика мактабгача таълим муассасаси ишини режалаштириш мумкинлигини ва зарурлигини таъкидлаб, бунда у инсон шахсини шаклланишида ижтимоий омиллар, муҳит ва тарбиянинг муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида асосий қоидаларга таянади. Ривожланишнинг асосий омили бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июн “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5144-сонли қарорида мактабгача таълим тизимида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш чоралари ҳамда мактабгача таълим масалалари бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар билан алоқалар ўрнаташ ва ҳамкорлик қилиш, ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича янги муқобил моделларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, мактабгача таълим тизимини рақамлаштириш ишларини, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини ташкил этиш ва





бошқариш, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан умумий назоратни амалга ошириш шунингдек, мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизими билан ўзаро интеграция қилинишини таъминлаш масалаларига эътибор қаратди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида “2020 йил – Илм- маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимиdir. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини самарали бошқариш унинг фаолиятини тўғри режалаштириш ва уни тўғри амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Режалаштириш – муассасадаги зарур шароит, фойдаланадиган восита, ишнинг усул ва методларини қўрсатиб, фаолиятни амалга ошириш тартиби, изчиллигини олдиндан аниқлашдир.

Мактабгача таълим ташкилоти маъмурияти жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўз-ўзини бошқарув асосида болаларни тарбиялашда юксак натижаларга эришишга қодир бўлган турғун меҳнат жамоасини шакллантириш, кадрларни ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш, педагог ва ҳизмат қўрсатиш, меҳнат самарадорлигини ошириш руҳида тарбиялаш, ўз жамоаси, танлаган касби учун фахрланиш ҳиссини шакллантирида раҳбарнинг бошқарув салоҳияти муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурият жамоат ташкилотлари билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари ходимларини аттестациядан ўтқазиш учун юқори даражадаги лозим-шароитларни таъминлайди, уларга ўз вақтида зарур методик ёрдам қўрсатади.

Мактабгача таълим ташкилотининг директори амалдаги қонунчилик доирасидаги педагог ходимлари ва маъмуриятини, уларнинг касб-кор ва мансаб фаолиятларига асоссиз аралашувига йўл қўймаслиги лозим. Шунингдек жамоага нисбатан маъмурий-буйруқбозлик уринишларига, унинг мустақиллигини чекловчи буйруқларга чек қўяди, шу масалалар бўйича тегишли органларга мурожаат қиласди.

Директор ишонч қоғозисиз мактабгача таълим ташкилоти номидан ҳаракат қиласди, барча ширкат ва жамоат коркабинетлари, муассасалар ва ташкилотларида унинг манфаатини ҳимоя қиласди, кредитлар тарқатади, лозимномалар тузади, ишонч қоғозларини беради, банкларда ва бошқа ҳисобларини очади, мактабгача таълим ташкилоти учун зарур бўлган жиҳозлар ва бошқа моддий ресурсларни хоҳлаган ташкилотлардан, ширкатлардан ва айрим шахслардан нақд пулга ёки пул ўтқазиш йўли билан ижарага олиш ва буюртма бериш хуқуқига эга.





Директор мактабгача таълим ташкилоти ҳуқуқи доирасида буйруқ чиқарди, кўрсатмалар беради. Бу буйруқ ва кўрсатмалар ижросини таъминлашга мактабгача таълим ташкилотидаги барча ходимлар мажбурдирлар.

Меҳнат жамоаси ваколатини амалга оширишнинг асосий шакли умумий йиғилишидир.

Мактабгача таълим ташкилотининг умумий йиғилиши мактабгача таълим ташкилотининг Уставини кўриб чиши ва қабул қилиш, мактабгача таълим ташкилоти кенгашини тузиш, кенгаш таркибини ва унинг раисини сайлаш, йиллик ва истиқбол режаларни муҳокама қилиш, тасдиқлаш, унинг бажарилиши ҳақида ҳисоботларни эшлиш ва таҳлил қилиш, педагог ва ҳизмат кўрсатиш меҳнатининг самарадорлигини ошириш йўлларини белгилашдир.


Жамоа лозимномасини муҳокама қиласи ва касаба уюшмаси қўмитасига тақдим этади.

Мактабгача таълим ташкилотида директори кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш бўйича ишни меҳнат жамоаси, мактабгача таълим ташкилоти кенгашининг фаоллари иштирокида маъмурият амалга оширади. Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари кадрларнинг умумий таълим маҳоратини, умумий таълим ва маданий даражасини мунтазам ўстириб боришига ғамхўрлик қиласи, ходимлар малакасини ҳисобга олган холда ва мактабгача таълим ташкилоти манфатларидан келиб чиқиб, уларни доимий ўз вақтида жойдан-жойга қўчириб турилишини таъминлайди. Шунингдек, Мактабгача таълим ташкилотида кадрлар заҳираси шакллантирилиб, улар билан доимий иш олиб борилади.

Мактабгача таълим ташкилоти - мураккаб тармоқ бўлиб, раҳбарнинг ундаги роли, фаолияти қўп қирралидир. Директор - мактабгача таълим ташкилотининг ташкилотчиси, раҳбари, малакали педагог, унинг фаолияти мактабгача таълим ёшидаги болаларни комил инсон қилиб тарбиялаш вазифаларини тўлақонли ҳал этишга қаратилган. У мактабгача таълим ташкилотларидағи моддий-техник базасини шакллантиришда, таълим-тарбиявий, педагогик ва гигиеник талабларга мувофиқ равишда амалга оширилиши учун зарур шароитларни таъминлайди. Ўз жамоасида ишчанлик, мақсадга қаратилган иноклик вазиятини яратади, уларга умумий раҳбарлик қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ-5144-сон қарори.
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси





Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони //
Интернет манба: <https://lex.uz/docs/3107036>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ПФ-4312
«Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантириш
концепцияси.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ-
5144-сон қарори

5. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича
ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони //
Интернет манба: <https://lex.uz/docs/3107036>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ-
5144-сон қарори.

7. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича
ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони //
Интернет манба: <https://lex.uz/docs/3107036>

8. Ф.Р.Қодирова, Ш.Қ.Тошпўлатова, Н.М.Каюмова, М.Н.Аъзамова
Мактаб11111гача педагогика Т-“Маънавият” 2018й.

9. Rustamovna, U. N., & Toxirjonovna, M. O. (2022). Polysemy-Semantic Universal. International Journal of Culture and Modernity, 14, 11-15.

10. Anvarjonovna, A. O. (2021, December). Methodological Foundations for Development of Aesthetic Culture Teacher of Preschool Education. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND INNOVATIVE TECHNOLOGIES (Vol. 2, pp. 254-258).

